

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР  
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 214 (961)

26

ОКТАБРЬ  
ШАНБА  
1957 ЙИЛ

БАҲОСИ  
20 ТИЯНИ

Улуғ Октябрь 40 йиллиги олдидан

„Тошкент ҳақиқати“нинг бугунги сони  
республикамиз пойтахти—Тошкент  
шаҳрига бағишланади.

## Шарқдаги машъал

М. ТУСУНОВ,

Меҳнаткашлар депутатаари  
Тошкент шаҳар Совети ижроия  
комитетининг раиси.

Исоният тарихида биринчи бўлиб маълум халқларга озодлик ва бахтли ҳаётнинг ёруғ йўлини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини барча совет кишилари қатори Тошкент меҳнаткашлари ҳам улуғ Ленин тузган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматиға муҳаббат туйғуларини тўлиб-тошган ҳоҳда кутуб олмоқдалар.

Ижодкор совет халқи жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида шонли тарихий йўлни босиб ўтди. 40 йил тарих учун жуда қисқа муҳлат. Лекин шу қисқа муҳлат ичида марксизм-ленинизмнинг гўлибона ғоялари билан суғорилган, Коммунистик партия томонидан тарбияланиб, қамолотга етказилган халқимиз коммунизм курашини йўлида оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган ғалабаларни қўлга киритган. Мамлакатимиз жаҳонда қудратли индустрия, қишлоқ хўжалиги, меҳнатияллаштирилган мамлакатга айланди. Фан ва техника соҳасида эришилган ютуқларимиз ҳатто энг реакцион ва ўзар буржуа-олимпларини ҳам тани беришга мажбур этди. Ёрнинг сунъий йўлдоши учирлигини, китталараро баллистик река-та ятаилигини социалистик Ватанимиз ўзининг қирқ ёшида, енгилмас куч-қувватга эга аҳалигини, совет халқи тинчликни мустаҳкамлаш ишига мисал қўрилмаган гигант ҳисса қўшганини бутун жаҳонга яна бир қарра намоён қилиб кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрийнинг самарасидир.

Октябрь ғалабаси тўғайи мамлакатимизда, турмушининг барча соҳасида олам-олам ўзгаришлар юз берди. маданий революция амалга оширилди. Энди мамлакатимизга бир назар ташланг, у нақадар ғўзал ва нақадар кўркем! Янги-янги социалистик шаҳарлар, посёлкалар, қошқор қишлоқлари барпо этилган, қатъий шаҳарлар гузираб ўсмакта. Республикамизнинг пойтахти Тошкент бунинг ёрқин мисолидир.

Революциядан кейинги йиллар ичида Тошкентнинг қисфаси бутунлай ўзгариб кетди. Тошкент революциядан илгари феодализм тилига шаҳар бўлиб, эски пастқам ва кўрмесиз уйлардан иборат эди: Бу ерда бирорта ҳам кўза кўринган йирик саноат корхоналари ҳаммаси бўлиб 3500 ишчи ишлар эди, ҳоло.

Коммунистик партиянинг мамлакатни социалистик асосда индустриалаштириш тўғайи Тошкент совет ҳокимияти лаврида ўрта Осиёнинг йирик индустриал шаҳрига айланди. Ҳозир шаҳримизда «Ташсельмаш», «Габесельмаш», Тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш», «Подъёмник», Илччи нөмли ва бошқа юзлаб йирик саноат корхоналари ишлаб турипти. Тошкент саноат корхоналари кўплаб тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги машиналари, экскаваторлар, тоғ саноати ўсқуна-ларини, аниқ асбоблар, транспорт воситалари ишлаб чиқармоқда. Шаҳримизнинг қудратли саноати ҳозирги кунда Совет Иттифоқи ҳаётида катта аҳамиятга эга, у ишлаб чиқарётган маҳсулотлар халқ демократияси мамлакатларида, ҳатто капиталистик мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган. Тошкентда ишланган қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик машиналари, култиваторлар, плугларини Хитой, Мўғлистон, Корея, Вьетнам, Албания, Польша, Чехословакия мамлакатларида учратиш мумкин. Бу аса социалистик лагерь

мамлакатлари халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда. Юборётган қишлоқ хўжалиги машиналаримиздан Афғонистон ва Эрон деҳқонлари мамнун бўлаётқилар.

Ҳулла, Тошкент саноати ва ишчилар сони революцияға қадар бўлган даражаға нисбатан таққослаб бўлмас даражада ўсиб кетди. Шуни кўрсатишининг ўзи кифояки, шаҳар саноатининг ялли маҳсулоти революциядан олдинги вақтлагига нисбатан 320 баравардан зиёд ўсган. Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш-техника интеллигенция қадарли тайёрлаш ўчоги бўлиб қолди, бу ерда мингларча малакали инженерлар, техниклар, социалистик хўжаликнинг моҳир ташкилотчилари етишиб чиқтилар.

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент Совет ҳокимияти лаврида мамлакатнинг энг йирик маданий марказларидан бирига айланди. Революцияға қадар бу ерда бирорта ҳам олий ўқув-юрти йўқ эди; биргина техника бўлиб, унда аниги 86 киши ўқитқиларди. Шаҳардаги 7 та ўрта, 4 та етти йиллик ва 26 та бошлангич мактаб аҳолининг ўқитиш, билим олишға бўлган эҳтиёжини қондира олмади. Уларга ҳаммаси бўлиб 322 ўқитқувчи 7500 болани ўқитар эди, меҳнаткашларнинг минг-минглаб болалари аса мактабдан четда қолиб кетарди.

Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириш натижасида Тошкентда фан ва халқ маорифи мисли қўрилмаган даражада ривожланиб кетди. Ҳозирги кунда пойтахтда иккита Фанлар академияси — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ишлаб турипти. Халқ хўжалигимиз учун етуқ қадрлар етказиб бераётган 16 та олий ўқув юртида 43 мингдан ортиқ студент ўқимоқда. 26 мингдан ортиқ ўқувчи 37 та техникум ва бошқа махсус ўрта ўқув юртида бағрида ўқиб тарбияланаётди. Шаҳардаги 155 та ўрта ва етти йиллик мактаб 115 мингдан ортиқ ёш аҳолини тарбиялашда самарали ишлар қилмоқда.

Партия ва Ҳукуматимиз халқ маорифини ривожлантиришға катта аҳамият бераётқилар. Шу тўғайи ҳам бу соҳаға ажратилаётган маблағ йилдан-йилға ўсиб бормоқда. Ўтган йили шаҳар халқ маорифига 141 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлса, бу йил 152 миллион сўм, яъни 1914 йилдагига қараганда қайриб 1200 мартадан кўпроқ маблағ ажратилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг совет кишиларининг фаровонлиги тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрликлари Тошкентда уй-жой, коммунал-маиший корхона биноларининг йилдан-йилға кенгайиб бораётганида ҳам ўзининг ёрқин бўлишини тошмоқда. Ҳозирги пайтда шаҳардаги уй-жой бинолари фонди революцияға қадар бўлган миқдордан қайриб икки ярим мартадан кўпдир.

Тошкент борган сари обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Энди бу ерда қават-қават кўп хонали бинолар нчида мағрур қад кўтариб турган телецентр вишқасини, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрини кўрсатиб; кўп сонли истироҳат боглари ва кўчаларда бўлиб, тўғон, кенг, сардарахт ва гузаро кўчалардан юрган киши ўзини аjoyиб богда сайр қилаётгандек ҳис қилади.

Шаҳар транспорти ҳам Совет ҳокимияти йилларида кескин ривожланди. Илгари 68 вагондан иборат бўлган тор илли трамвай 38 километр узунликтаги издан юрарди. Транспорт етишмаслиги тўғайи аҳоли кўпинча пиёда юрарди. Эндликда аса ҳар бир киши истаган транспортда ҳоҳлаган жойига бориши мумкин. Шаҳар транспортини ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилинди, бу соҳаға кўплаб маблағ ажратилмоқда. Тошкентнинг 300 вагон ва 111 километр узунликтаги изға ага бўлган трамвайи шаҳар меҳнаткашларига хизмат қилапти. Кейинги йилларда шаҳарда троллейбус қатъий бошланди. Унинг линияси яна узайтирилиб, 70 километрга етказилди. 200 дан ортиқ автобус ишчилар шаҳарчалари оралида тинмай қатъий турипти. Бу йилдаги транспорт революциядан олдин мутлақо бўлган эмас.


Пойтахтимиз бюджетни йилдан-йилға ўсиб бораётгани Партия ва Ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларининг ёрқин далилидир. Шаҳар бюджетни 1957 йили 1941 йилдаги 125 миллион сўмдан 571 миллион сўмға ўсди. Бу маблағнинг 61 проценти социал-маданий ишларға, шу жумладан халқ маорифига 152 миллион, соғлиқни сақлашға 194 миллион сўм сарфланди. Чор Россиядан лаврида шаҳар хўжалигини ривожлантиришға эътибор берилмас эди. Бунин 1914 йилги шаҳар бюджетидан равшан кўриш мумкин. Ўша йили шаҳар хўжалиги учун ҳаммаси бўлиб 1,5 миллион сўм, шу жумладан коммунал хўжалик учун 755 минг сўм, халқ маорифига 122 минг сўм, соғлиқни сақлашға аса 132 минг сўм ажратилган эди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг шаҳримиз хўжалиги, унинг обод ва кўркем бўлиши ҳақида қилаётган ғамхўрликлари тўғайи Тошкент социализмининг шарқдаги энг йирик ва ғўзал шаҳрига айланди. Унинг халқаро миқёсдаги обрўси ўсиб бораётди. 1952 йили Тошкентта жаҳоннинг 9 мамлакатидан 12 делегация келиб кетган бўлса, 1957 йилининг ўтган ойлари мобайнида 21 мамлакатдан 39 делегация келиб, шаҳримизнинг хушманзарали жойлари билан, ижодкор кишиларимиз билан танишқилар. Тошкентта меҳмон бўлган Лондон университетининг профессори С. М. Мантон ўзининг 1952 йили Лондонда босилиб чиққан «Бугунги Совет Иттифоқи» деган китобида Тошкент ҳақида булай деб ёзган:

«Мен Тошкентда аjoyиб опера-лар, Шекспир спектакллари, ҳозирги замон индустрияси, поликлиника-лар, илмий институтлар бор деб кутмаган эдим... Биз опера ва балет театридан чиқар эканмиз, ҳайратдан лол эдик. Биз Совет ҳокимияти барпо этилганидан буюн ўтган қисқа вақт ичида ўзбек санъати ва архитектурасининг қўлга киритган ютуқларига қойил қолдик...»

Буржуа пропагандистлари бизнинг мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқларни халққа бузиб, сохталаштириб кўрсатишға уринмоқдалар. Лекин бизга келган чет эллик меҳмонларнинг ҳақиқий турмушмизни кўриб айтган таасуротлари бизга ёт пропаганданинг тузалмас майиб, бутунлай чирик аҳалигини кўрсатмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари чор Россиясининг ўрта Осиёдаги мустамлака ерларининг маъмурий маркази бўлган Тошкент эндликда Шарқ



ТОШКЕНТ. Ленин майдони.

Енғин МИРЗА

## ТОШКЕНТ

Узуда ҳам баҳорден ҳуснинг зиёда,  
Сайр этсам кўз қувнар, очилар баҳрим.  
Кўбиден тансиқсан менга дунёда,  
Мамол топ, мамол топ отахон шаҳрим!

Теран тол, қайроғоч, қайину-чинор  
Шехидан тўкилар олтин япроғи.  
Кўбиден тансиқсан менга дунёда,  
Яшил гилам ёзган икки қирроғи.

Банорас осмонинг мунча дилрабо,  
Паға-паға булут кўйилган сунти?  
Ақлим бовар қилмас дўстлар, ажабо!  
Тарихда номи «Шош» шаҳар шу юртими?

Бир қарич ҳаммиш том, гуваля, девор  
Вайрона кўйилар йўқ лугатда ҳеч!  
Янги келинчақдай ясанган дийр,  
Дилин маотун этар субҳидан ва нөч!

Ҳаёт денгизининг тўлқини яхши!  
Тонг чоғи орамбахш гул атри билан.  
Юлдузлар бўлмас осмонинг нақши,  
Қари ой-бир парча патири билан.

Кўнгузлар оқшомлар файзли, қароғон —  
Илччи нурларининг нуруларидан.  
Юрак сўзларини тинглар хиббон  
Халқимнинг Тохир, Зухраларидан.

Театр майдонини мисоли гулшан,  
Богбонлар ёзибти минг қил гулдан сеп.  
Ўзга чоғидан отилар фонтан  
«Халққа бахт, эътибор оқ олтиндан» деб.

Кўнгузлар театр хур санъат наصري,  
Халима ва Сора узунка кўздай...  
«Сагу»да дарс тинглар чўпонлар насли,  
Азиз налима борми фан деган сўздай?

Маърифат булоғи кутубхоналар,  
Армуғон айлайди ҳаёт болини.  
Ишчилар деҳқонлар, қизлар, оналар  
Меҳнат ва фанда дер ўз иббонини.

«Текстиль комбинат» тўқир чит, шоҳи,  
Трактор ишлайди заводда Нодир.  
Бинокор ортирар Тошкент чиройин,  
Шаҳримнинг ҳар тоши мен учун нодир.

Яшнаган Москва она шаҳардан —  
Андоза кўчириб яшарар кунда.  
Нур порлар юзида эрта саҳардан,  
Эл уқлар, Тошкентчи? уқламас тунда.

Ун теран келди пўлат минора,  
Майлар кўрсатар бахт манзиллини.  
Тошкентим Шарқдаги нурли сайёра,  
Ерита олади зулмат ерини.

«Тошкентдан сўзлаймиз» деганда диктор  
Бутун республика солар нулугин.  
Ленин ЦЕНАси билан ишлар йириқдир,  
Қалбларда қайнатар меҳр булугин.

Чарх урар бошларда тинчлик каптари,  
Занг берав тинчликдан Тошкент куранти.  
Шаҳрим мадҳига тўла кўнгул дастари,  
Халқимиз баҳодир, меҳнатнаш, танти!

Фан, санъат дийри, ишчилар шаҳри  
Нурингизни сочабер Шарқда машъалдек.  
Кўнгулдан жўш урар маърифат наҳри,  
Турабер мангуға улуғ ҳайкалдек.

Пойтахтдаги энг ғўзал, кўркем майдонда,  
Ленин ишимизни нузатиб турар,  
Баҳодир халқини улуғ эзмонда —  
Коммуна чўқисига узатиб турар!

1957 йил 25 октябрь

Н. С. ХРУШЧЕВ УКРАИНА  
БИЛАН МАДАНИЙ АЛОҚА  
ҚИЛУВЧИ КАНАДА  
ЖАМИЯТИНИНГ РАИСИ  
В. И. СВИСТУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

24 октябрда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев Украина билан маданий алоқа қилувчи Канада жамиятининг раиси В. И. Свистунни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. В. И. Свистун СССР Славян комитетининг ҳамда Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Украина жамиятининг тақдифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турипти. (ТАСС).

## СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети меҳнат-кашларнинг истақларини қўлаб, 1957 йил 10 ноябрь-якшанба — дам олиш кунини 9 ноябрь-шанба кунига кўчиришға қарор қилди.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА  
ПАХТА ТАБИРЛАШНИНГ  
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957  
ЙИЛ 25 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН  
МАЪЛУМОТ  
(Планга нисбатан процент  
ҳисобидан)

| Районлар       | Бир кунлик<br>ўтқи | Маълум<br>бошдан<br>бери |
|----------------|--------------------|--------------------------|
| Бўстонлик      | 1,33               | 74,33                    |
| Оржоникидзе    | 1,62               | 82,71                    |
| Пискент        | 1,34               | 58,40                    |
| Ўрта Чирчиқ    | 1,33               | 58,01                    |
| Юқори Чирчиқ   | 1,43               | 56,42                    |
| Бекобад        | 1,88               | 53,70                    |
| Ўртасарой      | 1,51               | 53,54                    |
| Сирдарё        | 1,59               | 52,98                    |
| Верхне-волинск | 1,59               | 52,11                    |
| Бўка           | 1,48               | 51,66                    |
| Гулистон       | 1,49               | 51,45                    |
| Янгиўул        | 1,44               | 50,55                    |
| Охангарон      | 1,09               | 49,27                    |
| Оқдўрғон       | 1,27               | 49,16                    |
| Мирзачўл       | 1,42               | 48,50                    |
| Октябрь        | 1,30               | 46,62                    |
| Чиноз          | 1,37               | 44,63                    |
| Бойнот         | 1,28               | 42,0                     |
| Калинин        | 1,12               | 38,38                    |
| Куйи Чирчиқ    | 1,08               | 37,38                    |

## Кунига 15-16 тонна пахта толаси

Тошкентдаги Охунбобоев номи пахта тозалаш заводининг ишчи ва хизматчилари Улуғ Октябрийнинг шонли 40 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олаётқилар. Корхона коллективи пахта толаси ва момиқ ажратиб бўйча 10 ойлик ишлаб чиқариш планини худ-



датидан 17 кун илгари ошириб ба-  
жарди. Ўтган тўққиз ярим ой мо-  
байнида планга қўшимча равишда  
қайриб минг тонна пахта толаси ва  
бир неча юз тонна момиқ тайёрлаб  
берилди.

Байрам шарафига меҳнат вахта-  
ишлайётган корхона иш-  
чилари ҳар кун план-  
дан ташқари 15-16 тон-  
на пахта толаси ва мо-  
миқ ишлаб чиқартир-  
лар. Ишлаб чиқаришға  
илгор технологияни кенг  
қўлланиш, ишчи бир  
меёрада ташкил этиш

натижасида ўтган йилнинг шу  
вақтига нисбатан қайриб 600 тон-  
на кўп пахта толаси ишлаб чиқа-  
рилди.

Ўзиев ва Шанин ўроқлар бош-  
лиқ бригадаларининг меҳнатсевар  
ишчилари ойлик ва квартал план-  
ларини ҳар донм ортиги билан ба-  
жаришға муваффақ бўлаётқилар.  
Момиқ ажратувчи Хушова ва  
прессловчи Анисимов каби ўнлаб  
илгор ишчилар смена топириқла-  
рини 150 процентга етказиб адо  
этаётқилар.

Х. АБДУВАЛИЕВ.



ТОШКЕНТ. Суратларда: 1. Навоий кўчаси. 2. Тошкент хуранти; 3. Сталин номидаги маданият ва истироҳат боғи.







Чиланзор массивида катта ҳажмда кўпқаватли уй-жой бинолари қуриляптир. Суратда: янги қад кўтарётган кўпқаватли уй-жой бинолари.

В. Салов фотоси.

## РЕПОРТАЖ

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Бун бўйи шаҳарни кезган кўш гарб томонни кўп-қизил шўъаларга фарқ қилиб кўздан гўйиб бўлди. Ушба сокин, дилбар Тошкент оқшомини бутун шаҳарни ўз оғушига олди. Лекин шаҳардаги минг-мингларча чироқларнинг нури билан обод хонадонлар, кўча ва ал-дешлар, кўп қаватли бинолар, ҳис-собиқ матрифат ўчоқлари — кино ва театр заллари чарагон эди. Бу йўлдан қайноқ ҳаётдан толмаган с. Тошкент яна гўзал ва жўшқин меҳнат кучида. У уйқун билан майли, Трамвай ва троллейбус линияларида ҳаёт тўхтамайди. Театр, кинолар гавжум. Завод, фабрикаларда, ижодкор ва азамат халқ кечани кундуздан фарқ қилмай, қувончи меҳнат постанда туриб ишлайди.

Мана, биз Тошкент «Пластик» кўш комбинатининг сунъий чарм ишлаб чиқарадиган цехида. Бу цехнинг илгир ишчиларидан пресени Т. Нажимов, С. Қосинов, Галишчиқлардан С. Пўлатов, Ш. Саломидинов, теричи А. Тўрақулов, комплекти Е. Муравьев ва ўчоқлар бўғунги тошириқни 200-250 процентдан бажариб, 2-сменани муваффақиятли тугатилар. Соат кечаси роса 12 бўлганда улар ишчилар шаҳарчаси томон ошмаклардан троллейбустга чиқилар. Ўйлабди ҳар бир ошмакда троллейбус тўлиб борди. Айниқса Бўғуний майдон ва Муқимий театри ошмакларидан одамлар кўп эди. Бу одамларнинг баъзилари йиги филлини тамоша қилган бўлсалар, айримлари Муқимий номли театр коллективининг байрамолди спектаклини кўрган эдилар. Троллейбуснинг юки оғир бўлса ҳам юриши тез ва раво эди. Мана, турруқхона жойлашган ошмакда бир мудат тўхтаб ўтди. Намунали хизмати билан шаҳарга доғ таратган бу турруқхонада ҳар кун 20-30 янги меҳмон дунёга келди. Мана бугун ҳам «Тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади.

Троллейбус Комсомол майдонига келиб тўхтади. Одамларнинг кўпи тушиб, биз ҳам тушдик. Навоий проспекти бўйлаб бормоқдамиз. «Родина» кинотеатри. Кенг экранли ва стереофоник овозли филмларни муваффақият билан кўрсатаётган, ҳозирги замон кинофикация техникаси билан мукамал қуролланган бу муассаса пойтахт меҳнаткашларининг энг севимли тамошахоналаридан бўлиб қолган. Биз яна юришда давом этдик. Меҳнаткашлар ҳаётида катта роль ўйнаётган Марказий телеграф ҳозирги азамоннинг энг янги алоқа воситалари билан қуролланган. Бу ерда одам ҳамма вақт гавжум бўлади.

Биров танишига пуд юборди, биров қариндошига телеграмма берди, айрим одамлар хат ёзиб суратларини узоқ шаҳардаги яқин кишиларига фототелеграмма орқали жўнатадилар, яна бировлар аса турли шаҳарлардаги меҳрибонлари билан сўзлашардилар. Проспектининг ўнг томонидаги муазам бинода ўзбек Давлат астрадаси бугун катта концерт берибди. Тамошабинлар мамнун.

Область ижроия комитети биносининг орқа томонида мағрур қад кўтариб турган узун мачта — Тошкент телевидион марказининг антеннасидаги чироқлар порлаб турибди. Телевидион студия ана шу антенна орқали ўз эшитиришларини областимиз қишлоқ ва шаҳарларига тарқатмоқда. Яқинда бунёга келган мана бу катта бинонинг баъзи хоналарида чироқ кўринади. Бу ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт, Шаръиёт институтлари жойлашган. Ана шу чарагон хоналарда ахтирол олим ёки аспирант, илмий ходим ёки академик янги китоб устида ишлаётганлар.

Ўрдага келганимизда янги қурилган катта бино эътиборимизни жалб этди. Бу бино яқинда ташкил этилган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиқ фанлари академиясига берилган. Бу ерда совет олимлари республика қишлоқ хўжалигини комплекс равишда ривожлантириш проблемалари билан шугулланмоқдалар.

Қизил майдон гул-гул яшнаб ётибди, ўртадаги гузорлар атрофдаги чироқлардан тушаётган нурлар қўйида чамандек товланади.

Суратда: «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» Бирлашган нашриёти босмахонасининг ротациса цехида босиб пайти.

Майдоннинг шимол томонида, кўп қаватли муазам бинонинг жуда кўп хоналарида иш қизиги бораптир. Бу ерда республикадаги газета ва журналларнинг редакциялари жойлашган.

Биз Киров кўчасига жойлашган ротациса цехида. Цехдаги босма машиналарнинг гуриллани кечаюмунуз тинмайди. Бу ерда «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистон сурх», «Ўзбекистон маданияти», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» сингари республика, область газеталари билан бир қаторда «Правда», «Сельское хозяйство», «Литературная газета» сингари марказий газеталар ҳам жуда кўп нусхаларда босилиб, ўрта Осиё республикаларига тарқатилади. Цех коллективи байрамолди социалистик мусобақасига қўшилиб, газеталарнинг ўз вақтида қишлоқ босилинига эришмоқда.

Нижоат «Қизил тоғ» тикучилик фабрикасига келдик. Фабрика коллективи аҳолига турли фасон, турли размердаги болалар, хотин-қизлар ва эркаклар пальталарини кўлаб тикиб, олий тошириқни орттириб бажармоқда. Айниқса 6-цех контролери Н. Абдурахмонов, 2-цех мотористкаларидан К. Ортоқова, А. Степаненко, 1-цех бициклчиси Т. Хайдаров сингари ишлаб чиқариш ишорлари бугунги нормаларини 180-200 процентдан адо этдилар.

Тошкент бўйлаб бу тунги сўҳатини янада давом эттириш мумкин. Биз трамвай йўлларини тартибга солаётган ремонтчиларни, меҳнаткашларга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатишга ошмакдан «Тез ёрдам» станцияси ходимларини, аҳолига юмшоқ ва лаззатли нон маҳсулотлари бераётган нонвойларни, кечаси билан ишлаётган антекаларни, завод ва фабрикаларнинг мард ишчиларини кўлаб учратамиз. Улар туиларни кунларга улаб, халқимизнинг фаровонлиги йўлида тинмай меҳнат қилаётганлар. Тошкентнинг туни ҳам худди кундуздек жўшқин, баракали меҳнат билан обод.

М. ЯХЕЕВ.



Суратда: туғруқхонанинг навбатчи врач Р. А. Сафина ва ҳамшира В. И. Зайцева ўртоқлар чақалоқлардан ҳабар олмоқдалар.

## Ер сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Ер сунъий йўлдоши 25 октябрь соат 6 та қалар Ер теваратини 303 мартадан ортқ айланиб чиқди. У ана шу вақт ичида 13 миллион 200 экил километр масофани босиб ўтди. Учирувчи ракета 25 октябрь кеч қурунча бориб йўлдошдан учдан икки даврадан ҳам кўпроқ ўтиб кетиб, йўлдошдан 13 минг 200 километр оқала учди.

Шу муносабат билан учирувчи ракета йўлдошдан кейин 28,8 минутдан сўнг пайдо бўлади ва йўлдошдан узунлиги бўйича 7,2 градус гарбдор қўлади.

Келгусида учирувчи ракета билан йўлдош ўртасидаги масофа тобора камайиб, учирувчи ракета яна йўлдошдан ўтиб кетди. Бунда учирувчи ракета Ер теваратини йўлдошга қараганда бир марта кўпроқ айланиб чиқди.

Ер сунъий йўлдошининг 25 ва 26 октябрдаги ҳаракатини кузатиш учун унинг Ернинг асосий пунктлари устида Москва вақти билан қачон учиб ўтишини ҳабар қиламиз.

25 ОКТЯБРДА

Ньюфаундленд ороли — соат 09-05 минутта, Каролин ороллари —

соат 10-14 минутта, Даусон — соат 10-32 минутта, Торонто (Бана-ла) — соат 10-42 минутта, Нью-Йорк — соат 10-43 минутта, Сан-Пауло — соат 11-03 минутта, Хиро-сима — соат 11-56 минутта, Сан-Хосе — соат 12-28 минутта, Сант-Яго — соат 12-41 минутта, Лос-Анжелос — соат 13-56 минутта, Оловли ер ороли — соат 14-25 минутта, Деҳли — соат 15-06 минутта, Грейам ери — соат 16-06 минутта, Иоганнесбург — соат 16-25 минутта, Анхобод — соат 16-44 минутта, Алеут ороллари — соат 17-01 минутта, Қоҳира — соат 18-17 минутта, Ростов — соат 18-21 минутта, Пермь — соат 18-24 минутта, Самоа ороллари — соат 18-57 минутта, Тунис — соат 19-54 минутта, Будапешт — соат 19-57 минутта, Минск — соат 19-59 минутта, Москва — соат 20-00 минутта, Хабаровск — соат 20-13 минутта, Токио — соат 20-17 минутта, Рио-де-Жанейро — соат 21-13 минутта, Лондон — соат 21-34 минутта, Стокгольм — соат 21-36 минутта, Архангельск — соат 21-39 минутта, Улан-Батор — соат 21-48 ми-

нутта, Пекин — соат 21-51 минутта, Сидней — соат 22-14 минутта, Архангельск — соат 23-17 минутта, Омск — соат 23-22 минутта, Хан-ной — соат 23-33 минутта.

26 ОКТЯБРДА

Панама — соат 00-33 минутта, Ньюфаундленд ороли — соат 00-45 минутта, Рейкьявик — соат 00-49 минутта, Петроаволск — соат 00-55 минутта, Сталинбол — соат 01-03 минутта, Деҳли — соат 01-06 минутта, Мадорас — соат 01-10 минутта, Мехико — соат 02-11 минутта, Чикаго — соат 02-17 минутта, Рейкьявик — соат 02-26 минутта, Стокгольм — соат 02-31 минутта, Рига — соат 02-32 минутта, Киев — соат 02-34 минутта, Багдод — соат 02-39 минутта, Рейкьявик — соат 04-04 минутта, Мазагаскар ороли — соат 04-30 минутта, Банкувер — соат 05-31 минутта, Мадрид — соат 05-48 минутта, Фиджи ороллари — соат 06-47 минутта, Лейб-Харбор — соат 07-15 минутта, Каролин ороллари — соат 08-29 минутта, Дат-Харбор — соат 08-43 минутта. (ТАСС).

## Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XII сессияси

## Васийлик масалалари комитетиде

НЬЮ-ЙОРК, 24 октябрь. (ТАСС). Васийлик масалалари билан шугулланувчи комитет ўз-ўзини бошқармаётган территориялардаги аҳоли масаласини муҳокама қилмоқда. Мазлумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави шу территорияларнинг бошқариб масъулиятини ўз зиммасига олган давлатлардан Устав бўйича ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни қандай бажараятганликлари ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва унинг махсус органларига ахборот бериб туришларини талаб қилади. Бироқ, Португалия ва Испания сингари мамлакатларнинг ҳукуматлари устави қўло равишда бўлиб, бундай ахборот беришдан бош тортидилар. Мустамакачи бошқа давлатларнинг берган ахбороти шу давлатлар бошқармаётган территориялардаги аҳолини (булардаги 150 миллиондан кўпроқ аҳоли ҳали ҳам мустамакачилар ҳукмронлиги остида қолиб келмоқда) бўлиб ва бузиб кўрсатиш йўлидаги уринишдан иборат бўлмоқда.

Ўз-ўзини бошқармаётган территорияларнинг иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги мажбуриятлар ҳам бажарилмаптир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этилган ахборот шунини кўрсатадики, бир томондан, чет эл кампанияларининг даромадлари кўпайиб бормоқда ва уларнинг маъруз территориялардаги табиий бойликларини эксплуатация қилишни кучайиб кетмоқда, иккинчи томондан эса, ерли аҳоли тобора қаншоқланмоқда, миллий экономикани ривожлантириш учун деярлик ҳеч бир чора қўрилмаптир.

Совет Иттифоқи вакили Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри Ф. Султонов васийлик комитетига сўзга чиқиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳали ҳам мустамакачи қўлнинг остида қолиб келётган халқларнинг тевроқ эркинлик ва мустақилликка эришувига ердам бериши мутлақо лозим эканлигини кўрсатиб ўтди. У, ишонтирарлик мисоллар келтириб, бошқарувчи давлатлар ўз-ўзини бошқармаётган территорияларнинг халқлари олдига ўз зиммаларига олган мажбуриятларни қасдан бажармаётганликлари натижасида шу территорияларнинг экономикаси ҳали ҳам мустамакачи ҳаракатларидаги экономика бўлиб келётганлигини кўрсатиб берди. Мустамакачи давлатлар, деди Султонов, ўзлари бошқармаётган территорияларнинг саноатини ҳам, қишлоқ хўжалигини ҳам ривожлантиришлари, бунинг натижасида шу территориялардаги ерли аҳоли қаншоқликда яшамоқда, илм ва ме-

дицина ёрдами олин имкониятларидан маҳрум этилган.

СССР вакили, Франция, Бельгия мустамакачиларини «Европа иқтисодий жамиятига қўшиб олиш тўғрисидаги битимга, яъни «Евразия» тузиш планларига тўхталиб ўқитиб айтидики, бунда гап мустамакачиликнинг янги шакли устида бораптир, шу территориялардаги аҳолини ва табиий бойликларини эксплуатация қилишни кучайтириш ҳақида бораптир. «Евразия» проекти — империалистларнинг мустамакачи системаси империалистларнинг қаршилик кўрсатиш йўлидаги бир ўринишдир. Ҳатто Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси ҳам, деди Ф. Султонов, ўзининг 22 февралдаги сонда «коллектив мустамакачилик» деган ном...

«Евразия» планларига тўла равишда мос бўлиб тушади дейиш мумкин» деб эътибор мажбур бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотидеги ишораларда Совет Иттифоқи вакили, ўз уставининг баъжарилишини таъминлаш доим, мустамакачи халқлари эркин ва мустақил ривожланишдан иборат ўзларининг қонуний ҳуқуқларини бўғиб қиқаришлари учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриши лозим.

Комитет ўз ишини давом эттирмоқда.

Комитет ўз ишини давом эттирмоқда.

Комитет ўз ишини давом эттирмоқда.

## АМЕРИКА САМОЛЕТЛАРИ СУРИЯНИНГ ҲАВО ЧЕГАРАЛАРИНИ БУЗИБ УТМОҚДАЛАР

ДАМАШҚ, 24 октябрь. (ТАСС). Сурия армияси бош штабининг бошлиғи генерал Бизри Америка 6- флотининг самолётлари Суриянинг ҳаво чегараларини ҳар кун кўпол суратда бузиб ўтаётганликлари матбуот вакиллари айтган. Яқинда, деган у, Хомс шаҳри устида Америка самолётлари пайдо бўлди.

Америка самолётларининг Сурия ҳаво чегарасини бузиб ўтиши, деб баъзиларнинг генерал Бизри, Туркия матбуратларини Сурия чегараси бўйида қўшиллар тўпланиши кучайтиришга рағбатлантирмоқда.

## СУДИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТИ АЛИ АБДУРАХМОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

СССР парламент группасининг тақлифига мувофиқ Совет Иттифоқда меҳмон бўлиб турган Судан Республикаси парламентининг депутаты, Судан ички ишлар министри вазифасини бажарувчи Али Абдурахмон Ўзбекистонда бир неча кун бўлди.

Али Абдурахмон жаноблари ўзбек халқининг ҳаёти билан танишибди, республиканинг бир қанча давлат арбоблари ва жамоат арбоблари билан ушарди ҳамда сўзбаташди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Али Абдурахмон шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиёда ўтди.

Али Абдурахмон 25 октябрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. (ЎЗАТАГ).

## СССР Мудофаа министри маршал Г. К. Жуковнинг Албанияда бўлиши

ТИРАНА МИТИНГ

ТИРАНА, 24 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуковнинг расмий визити билан Албанияда меҳмон бўлиб турганлиги муносабати билан бугун Тиранада оммавий митинг бўлди.

Митинг трибунасида маршал Г. К. Жуков билан бирга Албания Меҳнат партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Анвар Хўла, Министрлар Советининг раиси Меҳмет Шеху, Халқ мажлиси президиумининг раиси Хожя Лени, Албания Меҳнат партияси Марказий комитети Сийёс бйосининг аъзолари бўлиб иштирок этишди.

Албания Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Меҳмет Шеху табрик нутқи сўзлади.

Албан халқи, деди Меҳмет Шеху, Совет Иттифоқи билан дўстлик ҳамма талабларимизнинг негиз эканлигини тўла англайди. Совет Итти-

фокнинг ёрдами билан албан халқи чет эл зулмидан озод бўлди.

Нотик Албания ҳукумати ўзининг тинчлик сийсатига салоҳат билан амал қилиб, тинчликни ва халқро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлида бундан бўйи ҳам ўз ҳиссасини қўшади, деб таъкиллади.

Митингда маршал Г. К. Жуков нутқ сўзлади.

Социалистик мамлакатлар халқларининг бузилмас бирлиги ва мундир жипслиги, деди шйорварда Г. К. Жуков, тинчликнинг ва бутун социалистик лагерь хавфсизлигининг энг ишончли ва мустаҳкам гарантисидир.

М. Шеху ва Г. К. Жуковнинг нутқлари дарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Редактор З. ЕСЕНБОВ.

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/Х — да Кармен. Ленин орденли СССР Давлат Академик Большой театрининг солисти, СССР халқ артисти Павел Лисициан қатнашди, 27/Х — да Евгений Онегин. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ — бугун кеч соат 8 да София Мар иштирокда «Сихран кеча» тамошасининг давоми. Яқинда кун 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да). «ИСКРА» (қўшқин) — 1 ва 2-

жалда кундуз ва кечқурун Бир стакан сув, 3-жалда кундуз ва кечқурун Мексика серенадаси. «ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6 гача Бир стакан сув, кеч 6, 8 ва 10 да Мексика серенадаси. «ИСКРА» (ёғин) — Леди Гамильтон. «САЛЮТ» — Хайран соатда! КАФАНОВ номли — Мексика серенадаси. «ХИВА» — Бир стакан сув.